



halol.uz

Кўзни ҳаромдан тийиш

“Сен мўминларга айт, кўзларини тийсинлар ва фаржларини сакласинлар. Ана шу улар учун покдир. Албатта, Аллоҳ нима хунар килаётганларидан хабардордир” (Нур, 30). Ушбу ояти каримада зинодан сакланишнинг энг бош омили—номахрам аёлларга эркакларнинг шахват назари билан карашлари ман килинмоқда. Аллоҳ таоло Пайгамбаримиз Мухаммад Мустафо соллаллоху алайхи васалламга хитоб қилиб, мўмин эркакларни номахрам аёлларга назар солишдан тийишга ва фаржларни зинодан саклашга буюришни амр этмоқда.

Бу дегани, эркак киши аёлнинг корасини ҳам кўрмасин, дегани эмас. Балки хожатдан ташқари карамасин, деганидир. Мисол учун, бир номахрам аёлга назари тушиши билан бошқа томонга кўзини бурсин, унга қараб туравермасин, қараши шахват назарига айланиб кетмасин, деганидир. Чунки аёл кишига бир муддат давомий қараш эркак одамда шахвоний туйғуни кўзготади. Шахват билан қараш зинога олиб бориши ҳам мумкин. Пайгамбаримиз соллаллоху алайхи васаллам бундай қарашларни «кўз зиноси»

деб атаганлар.

Имом Бухорий ривоят килган хадисда Пайгамбаримиз соллаллоху алайхи васаллам куйидагиларни айтадилар:

«Одам боласига зинодан бўлган насибаси ёзилгандир. Икки кўзнинг зиноси назар солишдир. Тилнинг зиноси гапиришдир. Икки кулокнинг зиноси эшитишдир. Икки кўлнинг зиноси ушлашдир. Икки оёкнинг зиноси юриб боришдир. Нафс орзу ва иштаха килади, фарж эса, уни ё тасдиклайди, ё ёлгонга чиқаради».

Мусулмон эркак номахрам аёлга қайта-қайта карамаслиги лозим.

Имом Термизий Бурайда розияллоху анхудан ривоят килган хадисда Пайгамбаримиз соллаллоху алайхи васаллам: «Эй Али, назарга назарни эргаштирма! Биринчиси фойда бўлса, иккинчиси сенга зарардир», деганлар.

Дархақиқат, биринчи назарда зарур мақсад ҳосил бўлади. Аммо кетма-кет қараш, аввал айтилганидек, шахват кўзготади.

Шунингдек, беҳосдан назар тушиши ҳам гуноҳ эмас.

Имом Муслим ривоят килган хадисда Абдуллоҳ ал-Бажарий розияллоху анху:

«Пайгамбар соллаллоху алайхи васалламдан беҳосдан тушган назар ҳақида сўраган эдим, кўзимни бошқа томонга буришни амр килдилар», деганлар.

Исломда эркаклар номахрам аёлларга шахват назари билан қарашдан қайтарилибгина қолмай, балки бу амрга риоя этганлари учун ажру савоб ва маънавий муқофотлар ҳам ваъда қилинади.

Имом Табарий Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоху анхудан ривоят килган хадиси қудсийда: «Албатта, (номахрамга) назар қилиш иблиснинг захарланган ўқларидан биридир. Ким Мендан кўрқиб, у (назар)ни тарк қилса, бадалига бир иймон бераманки, унинг ҳаловатини ўз қалбида топади», дейилган.

Имом Аҳмад Абу Умома розияллоху анхудан ривоят килган хадисда Пайгамбаримиз соллаллоху алайхи васаллам:

«Қайси бир мусулмон бир аёлнинг гўзалликларига назари тушсаю, сўнгра кўзини олиб қочса, албатта, Аллоҳ уни шундай ибодатга алмаштирадики, унинг ҳаловатини топади», деганлар.

Эркакларни номахрам аёлларга назар солишдан қайтарувчи ушбу оятни нотўғри талқин қилиб, Аллоҳ эркакларни аёлларга шахват назари билан қарашдан қайтарган, аёллар ўзларини авайлаб, шарҳий қийимда юришга амр қилинмаган, дейиш мутлақо нотўғридир. Чунки аёлларнинг хижобда юришлари лозимлиги ҳақида бошқа оятларда ҳукм бор. Номахрам аёлларга назар солмаслик ҳақидаги амрдан бир неча ҳолатлар истисно қилинган. Масалан, бир одам уйланмокчи бўлса, у аёлга назар солиши нафакат мумкин, балки мустаҳабдир.

Имом Муслим ривоят килган хадисда Мугийра ибн Шўъба розияллоху анху куйидагиларни айтадилар: «Уйланмокчи бўлиб, бир аёлга совчи кўйган эдим. Расулulloх соллаллоху алайхи васаллам менга: «Уни кўрдингми?» деб сўрадилар. Мен: «Йўқ», дедим. У зот соллаллоху алайхи васаллам: «Сен уни кўргин, бу, албатта, ораларингизда яқинлик ҳосил қилади», дедилар.

Абу Хурайра розияллоху анху ривоят килган бошқа бир хадисда Расули акрам соллаллоху алайхи васаллам ансорийлардан бир аёлга уйланмокчи бўлган кишига: «Сен уни кўргин, ансорийларнинг кўзларида бир нарса бўлади», деганлар.

Имом Аҳмад Абу Хумайддан ривоят килган хадисда Расулulloх соллаллоху алайхи васаллам: «Биронтангиз бир аёлга уйланмокчи бўлса, унга назар солмоғида гуноҳ

йўқдир, чунки у уйланмок ниятида назар солади», деганлар.

Шунингдек, жинойтчини аниклаш мақсадида текшириш ўтказаетган шахслар ҳам шу мажбурият юзасидан аёл кишининг юзига караса бўлади.

Кози хусумат билан ёки гувоҳлик учун келган аёлга ҳукм чиқариш мақсадида вазифа юзасидан караса, мумкин. Табиб ҳам тиббий мақсадларда караса, жоиз. Албатта, бу ҳолатларда синчиклаб қараш ҳақида сўз кетмокда.

Ояти қаримадаги «ва фаржларини сакласинлар» ибораси фақат фаржни зинодан саклашни эмас, бошқа харом нарсалардан ҳам, жумладан, бошқаларнинг назари тушишидан ҳам саклашни ўз ичига олади. Аввало, бировнинг авратига қарашдан кўзни тийиш керак. Фақат эркакларнинг хотинларнинг аврат жойларига қараши тақиқланаётгани йўқ, балки эркак эркак кишининг авратига, аёл аёл кишининг авратига қараши ҳам ман этилмокда.

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Пайгамбаримиз соллаллоху алайхи васаллам: «Эр киши эр кишининг авратига назар солмайди, аёл киши аёл кишининг авратига назар солмайди», деганлар.

Имом Абу Довуд Ҳазрати Али розияллоху анхудан ривоят қилган ҳадисда Расулulloх соллаллоху алайхи васаллам у кишига: «Тирикнинг ҳам, ўликнинг ҳам сонига назар солма», деганлар.

Шу ўринда ўз-ўзидан, эркак кишининг қайси жойлари аврат ҳисобланади, деган савол келиб чиқади.

Расулulloх соллаллоху алайхи васаллам эркак кишининг аврати киндигидан тиззасигача эканини айтганлар. Мусулмон эркак киши авратини бошқаларга кўрсатмаслиги лозимдир.

Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда саҳобалардан Журҳад ал-Асламий: «Расулulloх соллаллоху алайхи васаллам биз билан ўтирган эдилар, сонимнинг очик турганини кўриб: «Сон аврат эканини билмайсанми?!» дедилар», деб айтганлар.

Шунингдек, киши ўзи ёлғиз қолганида ҳам ялонғоч бўлиб юриши яхши эмас.

Имом Термизий Пайгамбаримиз соллаллоху алайхи васалламнинг шундай деганларини ривоят қилади: «Ялонғоч бўлишдан сакланинлар, чунки фақат қазои ҳожат ва аҳлига яқинлашиш пайтидагина ажраладиган зотлар сизлар билан доимо биргадирлар».

Яъни, фаришталар доим сизлар билан бирга, улардан уялинг, деганлар.

Имом ибн Можа ривоят қилган ҳадисда қуйидагилар зикр этилади: Расулulloх соллаллоху алайхи васаллам: «Ўз хотининг ва чўрингдан бошқасидан авратингни беркит», дедилар. Бир сўровчи: «Эй Аллохнинг Расули, агар бир киши ўзи холи бўлса-чи?» деб сўради. Шунда у зот соллаллоху алайхи васаллам: «Аллох таборака ва таоло ундан ҳаё қилмокка ҳақлироқдир», дедилар.

Кўзини номахрамлардан тийган инсон қуйидаги фойдаларни қўлга киритади:

Кўзини номахрамлардан тийган инсон қуйидаги фойдаларни қўлга киритади:

1. Аллохнинг амрига бўйинсунган бўлади. Зеро, бу нарса банданинг дунё ва охирадаги энг буюқ бахтга эришишининг асосий омилдир. Банда учун дунё ва охирада Роббининг буйруқларига итоат этишдан кўра фойдалироқ нарса йўқ. Дунёда ҳам, охирада ҳам бахтга эришган инсон У зотнинг амру фармониغا итоат қилиб эришади. Дунёда ҳам, охирада ҳам бахтсизликка учраган инсон У зотнинг амру фармонларига итоатсизлик қилгани учун бахтсизликка учрайди.

2. Шайтоннинг захарли ўқи калбига етишидан кутилади. Эхтимол, номахрамга ушбу қараши туфайли халокатга кетиб қолар.
3. Кўзни харомдан ва номахрамларга қарашдан тийиш калбга Аллох билан дўст бўлиш, У зот билан доим бирга бўлиш хиссини беради. Чунки, кўзни тизгинсиз қўйиб юбориш калбни Аллохдан узоклаштиради. Банда учун кўзини тизгинсиз қўйиб юборишидан кўра зарарлироқ бало йўқ. Бу бало банда билан Роббиси ўртасида парда пайдо қилади.
4. Кўзни тийиш калбни қувватли ва хурсанд қилади. Кўзни тиймаслик эса, калбни заиф ва махзун қилади.
5. Кўзни тийиш калбга нур бахш этади. Кўзни тиймаслик эса, калбни қоронгулик, зулмат қоплаб олишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам Аллох таоло кўзни тийиш ҳақидаги оятнинг орқасидан “нур” оятини, яъни “Аллох осмонлар ва Ернинг «нури»дир” (Нур, 35) оятини зикр қилди.
6. Кўзни тийиш бандага фаросатни бахш этади. Бу фаросат орқали банда ҳақ билан ботил орасини, рост билан ёлгон орасини ажратадиган бўлади. Шох ибн Шужоъ Қирмоний айтадилар: “Ким суннатга эргашиш билан ташки томонини, доимий мураккаб билан ички томонини обод қилса, кўзини харомлардан, нафсини шахватлардан тийса, ҳалол ейишга одатланса ҳеч қачон фаросати хатога йўл қўймайди. Отам Шужоънинг фаросати ҳеч қачон хатога йўл қўймас эди”. Яъни, жуда фаросатли киши эди.
7. Кўзни тийиш калбга сабот, шижоат, қувват бахш этади. Аллох у бандасининг калб кўзини очиб қўяди. Манбаларда шундай дейилган: “Хавойи нафсига ҳилоф қилувчи инсоннинг соясидан ҳам шайтон кўркиб қочади”. Ким азизликни истаса, уни Аллохга итоат қилиш, У зотни доим зикр қилиш билангина топади.
8. Кўзни тийиш шайтоннинг калбга қирадиган эшиқларини беркитади. Чунки, шайтон назар орқали калбга қиради. Шайтон бошқа гуноҳлардан кўра назар орқали калбга осонроқ қиради. Кейин ўша шайтон у банданинг кўзига қараётган харом нарсасини чиройли, зарарсиз қилиб кўрсатади. Натижада ўша банда унга қайта-қайта қарайди. Қайта-қайта қараш эса банданинг калбидан ўша нарсанинг чуқур жой олишини таъминлайди. Кейин банда кўрган нарсасини доимо ўйлаб юрадиган бўлиб қолади. Мана шу калбнинг Аллохдан бошқага қалғиши, ўша билан машғул бўлишидир. Харом нарсанинг фикрини калбга эсон-омон олиб қирган шайтон, энди унга нисбатан калбда шахват оловини ёқади. Бу олов ўчиб қолмаслиги учун унга турли гуноҳларни ўтин қилиб ташлаб туради. Охири бечора банда поғонами поғона гуноҳларни содир этиш билан калбидаги шахват оловини сўндириш, қондириш истагида зино деб аталмиш оғир жинойатни содир этади. Бир лахзалик лаззатни деб бир умрлик афсус-надоматга қолади.
9. Кўзни тийиш калбни ўзи устида ишлашга, ўзини ислоҳ қилишга имкон беради. Кўзни тиймаслик эса калбни банд қилади. Бунинг натижасида ўша инсон калбига ўрнашган нарсанинг ҳаёли билан юриб, ўз калбидан гафлатда бўлади, уни ислоҳ қилишга ва бошқа барча хайрли ишларни бажаришга имкон топа олмайди. Чунки, бу пайтда у калбида ўрнашган ҳаёл билан юрган бўлади. Аллох таоло айтади: “Шунингдек, калбини Биз зикримиздан гофил қилиб қўйган, хавойи нафсига эргашган ва қилар иши исрофгарчилик бўлган кимсаларга итоат этманг!” (Қаҳф, 28). Демак, кўзни тиймаслик мана шу уч нарса: калбнинг Аллох зикридан гофил бўлиш, хавойи нафсига эргашиш ва барча ишда исрофга, гуноҳга йўл қўйишни ҳам қелтириб чиқарар экан.
10. Калб билан кўз орасида ўзаро боғлиқлик, ўзига хос бир кўприк бор. Иккисини бир-биридан ажратиш бўлмайди. Калб солих бўлса, кўз ҳам солих, калб бузук бўлса, кўз ҳам бузук бўлади. Кўз тўғри бўлса, калб ҳам соф бўлади, агар кўз тизгинсиз бўлса,

калбга ҳам турли ифлослик ва бузукликлар сизиб киради. Бундай калб худди ахлат ва бошка ифлос нарсалар ташланадиган челаққа ўхшайди. Тизгинсиз кўз туйфуайли кирланган калбга Аллох назар солмайди. Ундай калб эгаси Аллохни таниш, Аллохни севиш ва Аллох сари юзланиш хиссидан бутунлай узокда бўлади. Чунки, у инсоннинг калби бу хис-туйгуларнинг зидди билан тўлиб тошгандир.

Аллох барчамизни кўзини харомда тўсадиган, калби пок, доимо охиратни ўйлайдиган бандаларидан килсин, омин!